

الحكم تقود إلى السعادة

الجزء الحادي عشر

11

«Хикматлар – саодатга етаклар»

Ўн биринчи китоб

Тузувчи ва таржимон:
Анвар Аҳмад

Тошкент:
2016 йил

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ТАҚДИМ

Ўзининг илоҳий ҳикмати илинг инсонни ҳикматга қобилиятли ва мойил қилиб яратиб, бу билан уни бошқа маҳлукотлардан имтиёзли қилган, унга Ўз даргоҳидан ҳикматлар илҳом этган, энг олий ҳикматларни вахий қилиб юборган, ҳар бир иши ҳикматли бўлган Ҳаким Зот – Роббимиз Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога Ўзининг ҳикматлари кўламича ҳамду санолар бўлсин!

Ҳаким Зотнинг энг ҳаким бандаси, инсониятга ҳикматни – суннатни ўргатган, ўлмас ҳикматлар қолдирган, бутун ҳаёти тўлалигича ҳикмат бўлган, башариятнинг ҳакими, севикили Расулимиз Мухаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга айтган ҳикматлари ададиша салавоту саломлар бўлсин!

Ҳикматга ошиқ бўлган, қалблари ҳикмат нурига тўлган, бутун ҳаётини ҳикмат асосида қуришга интилган ҳикматли бандаларга Аллоҳнинг ризоси ва раҳмати бўлсин!

Аллоҳ таоло инсонни бошқа мавжудотларни яратганидек, «Бўл!» деган амр билан эмас, балки Ўз қўли билан яратиб, унга Ўз ҳузуридан рух пуфлаган. Шунинг учун инсон бошқа бирор жонзотда топилмайдиган хусусиятларга эга бўлди. Инсонни бошқа маҳлукотлардан фарқлаб турадиган ана шундай хусусиятларидан бири – унинг ҳикматга ошнолигидир. Инсоннинг ҳикматга бўлган интилиши ундаги ақл жавҳарига бевосита боғлиқдир. Аммо ҳикмат инсоннинг фақатгина ақлий қобилиятининг маҳсулни эмас. У кўпроқ руҳнинг маркази бўлмиш қалбга боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, унинг булоғи ҳам қалб, сингадиган ўрни ҳам қалбдир. Инсоннинг қалби қанчалик мусаффо бўлса, ҳикматга шунча кўпроқ мойил бўлади, уни яхшироқ сингдиради ва ўзи ҳам аста-секин ҳикмат булоғига айланаб боради. Ана шундай қалб эгаси ҳаким дейилади.

Хўш, ҳикмат ўзи нима? Унинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

«Ҳикмат» арабча сўз бўлиб, «мустаҳкамлик», «ман қилиш», «донишмандлик», «оқилоналиқ», «хукм» маъноларини билдиради. Уламолар ҳикматга турлича таъриф берганлар.

Ибн Мурдавайҳ Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан нақл қиласи: «Ҳикмат – ақл, фаҳм ва топқирлиқдир».

Роғиб айтади: «Ҳикмат – илм ва амалда ҳақиқатни топишдир».

Абу Ҳайён айтади: «Ҳикмат – одамлар ваъз оладиган, ўзларига танбех оладиган ва бир-бирларига айтиб юрадиган мантиқдир».

«Ал-Муъжамул-васит» китобида шундай дейилади: «Ҳикмат – энг афзал илмлар асосида ишларнинг энг афзалини билиш, тушуниб етишдир».

Ҳакимларнинг кўплари ҳикматга қуидаги таъриф беришади: «Ҳикмат – нарсаларнинг ҳақиқатини инсоннинг имконияти етадиган даражада асл ҳолида билишдир».

«Ҳикмат» сўзи бизнинг тилимизда ҳам юқоридагига яқин маъноларда ишлатилади. Донишмандликка, оқилона гап-сўзларга, иш-холатларнинг сирасорларига нисбатан ҳам айнан ҳикмат сўзи қўлланилади.

Инсоният тарихида ўзининг ҳикматли гаплари билан ном чиқарган биринчи зот Довуд алайҳиссалом ҳисобланадилар. Ҳикмат билан танилган, ҳакимларнинг устози деб тан олинган буюк шахс – Луқмон Ҳаким ҳам Довуд алайҳиссаломнинг шогирди ҳисобланади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Луқмон Ҳаким ҳақида шундай дейди:

«Батаҳқиқ, Биз Луқмонга Аллоҳга шукр қилгин дея ҳикматни бердик. Ким шукр келтирса, фақат ўзи учун шукр келтиради. Ким қуфр келтирса, албатта, Аллоҳ Ғаний ва мақтовга сазовор Зотдир» (Луқмон сураси, 12-оят).

Аллоҳ таолонинг Луқмонга ҳикмат неъматини берганини алоҳида таъкидлаши, унинг ҳакимлигини мақташи, айrim ҳикматли сўзларини сиз билан бизларга насиҳат ўлароқ келтириши, Қуръони Каримдаги бир сурани унинг номи билан аташи – барча-барчаси Аллоҳ таолонинг ҳузурида ҳикматнинг нақадар юксак эътибори борлигини кўрсатади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Қуръони Каримда пайғамбарлик вазифаларидан бири – кишиларга ҳикматни ўргатиш эканини очиқ айтиб қўйган:

«Шунингдек, ичингизга ўзингиздан, сизларга оятларимизни тиловат қиласиган, сизларни поклайдиган, сизларга китобни, ҳикматни ва билмайдиган нарсаларингизни ўргатадиган Расул юбордик» (Бақара сураси, 151-оят).

Ха, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарлик ҳаётидаги асосий вазифаларидан бири инсонларга ҳикматни ўргатиш бўлган. У зотнинг суннатлари тўла ҳикматдир. Сўзлаган сўзлари ҳам, қилган ишлари ҳам, ҳатто сукутлари ҳам ҳикматдан иборат эди. Шу боис, муфассир уламоларимиз оятдаги «ҳикмат»ни «суннат» деб тафсир қилганлар. Дарҳақиқат, ҳикматнинг энг олий намуналари Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида акс этган.

Ҳикмат деганда биринчи бўлиб инсоннинг ўз Яратувчисини таниши тушунилиши лозим. Имом Ғаззолий айтади: «Ҳамма нарсани билган, лекин Аллоҳни танимаган кишини ҳаким деб бўлмайди, чунки у энг улуғ ва энг афзал маърифатдан маҳрумдир».

Ҳикмат инсоннинг ҳаётини тартибга солишга, унинг осойишта, сермазмун ва сермаҳсул ҳаёт кечиришига, хато-камчиликлардан, тойилишлардан холи бўлишга хизмат қилувчи юксак билимдир. Ҳикмат инсоннинг ақлини чархлайди, заковатини оширади. Ҳикмат билан иш тутиш

инсоннинг оиласидаги, жамиятдаги, ҳатто ўз наздидаги мартабасини қўтаради. Ҳикматлар инсонга ҳаёт тажрибасининг тайёр хулосасини тақдим қиласди.

Бир ҳакимдан: «Инсон бир неча юз йил умр кўриши мумкинми?» деб сўрашибди. У: «Ҳа», деб жавоб беришибди. «Қандай қилиб?» дейишибди. Шунда ҳаким: «Китоб ўқиб. Китоб бир инсоннинг бир неча йил, балки бир умрлик тажриба ва билимларининг хулосаси ўлароқ дунёга келади. Уни ўқиган киши ўшанча умр кўрган ҳисобланади», деб айтган экан.

Инсонга ана шундай асрларга татигулик умр бахш эта оловчи китоблар ичида энг қимматлиси, шубҳасиз, ваъзу-ҳикматга доир асарлардир. Бинобарин, ҳикматларни ўзига сингдира билган одам минг йиллаб умр кўргандек тажрибага эга бўлади. Зеро, айрим ҳикматлар бутун бир инсон умрининг хулосаси ўлароқ дунёга келган. Бундай ҳикматларни ўрганган киши ўша ҳикматларни айтган инсонларнинг умрича ҳаёт кечиргандек бўлади.

Ислом уммати ҳикматни ўрганишга, уни ҳаётда акс эттиришга, ҳар бир иш ортидаги ҳикматларни очиб беришга қадимдан интилиб келган. Жумладан, улуғ аждодларимиз ҳам ҳақиқий ҳикматпарвар, ҳикматга шайдо инсонлар бўлишган. Шунинг учун ҳам улуғ бобокалонларимизнинг илмий меросларида дунёдаги энг гўзал ҳикматлар акс этган. Бунинг натижаси ўлароқ, ҳалқимизда ҳикматли сўзларга бўлган қизиқиш бошқа ҳалқларга қараганда анча юкори даражада туради. Ушбу ҳақиқатни яхши англаган устоз Анвар Аҳмад жаноблари араб адабиётларидан юзлаб ҳикматларни тўплаб, уларни ўзбек тилига таржима қилиб, www.arabic.uz сайтининг «Тасвирдаги ҳикматлар» бўлимида муентазам бериб боришни йўлга қўйдилар. Бундан кўпчилик ўқувчилар мамнун бўлишди, кўплаб яхши фойдалар олишди. Бу олқишлирдан илҳомланган муҳтарам таржимонимиз интернет оламига сайд қилиш имкони бўлмаган ўқувчиларга ҳам ушбу гавҳарлардан баҳраманд қилиш ниятида мазкур ҳикматларни рисола шаклида чоп этишга қарор қилдилар. Қўлингиздаги китобча ушбу хайрли ишда қўйилган илк қадам, ўзига хос дебочадир.

Бугунги кунда маълумот ўқиши учун турли замонавий воситалар беҳад кўпайиб, оммалашиб, кулайлашиб, ўқувчиларни ўзига ром этган бўлса-да, китоб ўзининг қийматини йўқотгани йўқ. Китоблар барибир илм-маърифат манбаи ўлароқ китоб расталарини тўлдириб турибди. Дарҳақиқат, китобнинг ўрни бошқа. Ундан фойдаланиш учун электр токи, бирор жиҳоз ва шунга ўхшаш омиллар шарт эмас. У қачон қўл чўзсангиз, «Лаббай!» деб келадиган, то сиз зериккунингизча сиздан аримайдиган энг вафодор дўстдир, сухбатдошдир. Ана шу эътибордан, таржима қилинган ҳикматларни китоб шаклида тақдим этилишини қўллаб-куватлаш лозим.

Ушбу рисоладаги ҳикматлар маълум бир соҳага чекланмаган бўлиб, эркин мавзудадир. Унда инсоннинг Аллоҳ таоло билан бўладиган муносабатлари, бошқа инсонлар билан бўладиган алоқалари ҳамда ички оламини назорат қилиш, кишининг ўз-ўзини тарбиялашига доир хилма-хил ҳикматлар мавжуд. Уларда сахобаи киромлардан тортиб, бугунги кундаги донишманд инсонларнинг кўплаб қимматли фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини

топган. Ҳар бир ҳикматга махсус расм ишланган. Китобчадан кўзланган мақсадлардан бири – араб тилини янги ўрганган кишиларда таржима малакасини ошириш бўлгани боис, аввал суратларда ҳикматнинг арабча матни берилиб, таржима сурат остида тақдим этилган. Бу ҳам яхши бир услуб: ўқувчи таржима қилишни ўрганиш билан бирга энг қимматли ва сара маълумотларга, илм-маърифатга эга бўлади.

Ҳикматларнинг кўпи халқ оғзаки ижодига айланиб улгургани учун қўп ўринда уларнинг муаллифи шахсан кўрсатилмаган. Аммо таржимонимиз омонат сифатида, уларни асосан қуидаги интернет сахифаларидан олинганини айтади:

- (1) تَقْفِ نَفْسِكَ
- (2) كَلَامُ مِنَ الْقَلْبِ
- (3) حَدِّ الْحِكْمَةِ
- (4) بَسْطَانُ الْحِكْمَاءِ
- (5) ثَقَافَةُ حَوْلِ الْعَالَمِ
- (6) الْمُوسَوِعَةُ بِوَكِ
- (7) ثَقَافَةُ وِعِلْمٍ
- (8) حِكْمَةُ الْيَوْمِ
- (9) عَجَابُ وَغَرَائِبُ حَوْلِ الْعَالَمِ
- (10) أَقْوَالُ أَعْجَبَتِنِي
- (11) كَنْزُ مِنَ الْحِكْمَةِ
- (12) ذِكْرُ اللَّهِ
- (13) عَذْبُ الْكَلَامِ
- (14) عَالَمُ الشَّفَافَةِ وَالْمَعْرِفَةِ

Ҳикматларни таржима қилишда имкон қадар ўртача йўл тутишга ҳаракат қилинган: бир йўла матнга ёпишиб олиб, айнан сўзма-сўз таржима қилишдан ҳам, матнни бир четга қўйиб, умумий маънони таржима қилишдан ҳам қочилган. Зеро, таржима тамоман сўзма-сўз бўлиб қолса, тил ўрганувчиларнинг малакасини ошира олмайди, натижада ўқувчи ғализ ва тор таржима қилишдан нарига ўта олмай қолади. Агар умумий мазмунни ўтиришга ўтилса, бунда ҳам ўқувчида таржима маҳорати шаклланмайди, матнни тўлиқ эмас, балки хулоса шаклида таржима қиласидан ва қоидаларни ишлата билмайдиган бўлиб қолади. Агар ўқувчиларимиз ушбу таржимадан ва ундаги маънолардан озгина бўлса-да фойда олсалар, мақсадга етган бўламиз.

Аллоҳ талодан ушбу камтарона уринишни Ўз даргоҳида ҳусни қабул айлаб, барча китобхонларимиз учун манфаатли қилсин. Мұхтарам

таржимонимиз Анвар Аҳмад жанобларига оилавий баҳт-саодат, сўнмас ғайрат, ижодий ишларига барака ато этсин.

Ушбу «**Ҳикматлар – саодатга етаклар**» "الحكم - تقود إلى السعادة" китобининг кейинги қисмларини ҳам китобхонларга тез кунларда, янада юқорироқ савияда тақдим этиб боришларида Ўзи мададкор бўлсин.



2223. Хузуъ ва хушуъ қилувчилар кимлар?

Хушуъ қилувчилар – Аллоҳга итоат қиласиган, ҳаром нарсалардан ўзини тийган, қадарга сабр қиласиганлардир.

Шайх Шаъровий.



2224. Қабиҳ нафсинг устидан ғалаба қозонишинг душманларинг устидан ғолиб келишингдан мухимроқдир.



2225. Ҳушёрлик алданишдан яхшироқдир.
«Унваанул байан» китобидан.



2226. Али розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тўшаклариға ётаётганларида шундай дер эдилар: «Аллоҳумма, инний аъузу биважҳикал кариим, ва бикалимаатикат тааммати мин шарри маа анта аахизум бинаасийатих. Аллоҳумма, анта такшифул мағрома вал ма`сам. Аллоҳумма, лаа йуҳзаму жундука ва лаа йуҳлафу ваъдука ва лаа йанфаъу зал-жадди минкал жадд, субҳаанака ва биҳамдик» (Аллоҳим, карим важҳинг ила барча калималарингни ўртага қўйиб, Сен пешонасидан ушлайдиган нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман. Аллоҳим, Сен хасорат ва гуноҳларни фош қилувчисан. Аллоҳим, Сенинг лашкаринг асло енгилмасдир. Сенинг ваъданг хилоф қилинмас. Сенинг буюклигинг олдида бошқа улуғлик фойда бермас. Сенга ҳамд айтиши ила Сени поклаб ёд этаман).

Абу Довуд ва Насаий ривояти.



2227. Одамлар бошингдаги жароҳатни кўришади, лекин сен сезаётган оғриқни ҳис қилишмайди.



2228. Баъзи кимсаларнинг дили бошқа, тили бошқа.



2229. Йўлингдан адашиб, тўғри йўлни қидираётганингда қуидаги оятни эсга ол: «**Албатта, бу Куръон** энг тўғри йўлга ҳидоят қилур» (*Исрораси, 9-оят*)



2230. Ёмон фарзанд ўтганларни коралайди ва шарафни хароб қиласди.

«Унваанул байан» китобидан.




2231. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тўшакларига ётадиган бўлсалар, «Алҳамду лиллаҳиллаазий атъаманаа ва сақона ва кафаана ва аваана факам мимман лаа кафийа лаху ва лаа му'вий» (Бизни едирган, ичирган, кифоя қилган ва бошпана берган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Қанчадан-қанча кишиларнинг сақлагувчиси ва бошпана бергувчиси йўқ) дер эдилар.

Имом Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривояти.



2232. Бахтли яшашни хоҳласанг, ҳар нарсани таҳлил қиласверма! Олмос тошни таҳлил қилганлар охири унинг асли кўмир эканини топишиди-ку!



2233. Шайтондан узоқлашишни хоҳлайсанми? Унда қуйидаги оятни ўқи: «Роббим, Сендан шайтонларнинг васвасасидан паноҳ беришингни сўрайман! Роббим, уларнинг ёнимга (яқин)

келишларидан паноҳ беришингни сўрайман», деб айт» (*Муъминун сураси, 97-98-оятлар*).



2234. Ушбу умматдан бўлган бир одам ўзи ҳақ йўлда бўлмаса-ю, ўзини ҳақ йўлдаман деб ўйласа, уни Ўзинг ҳақ йўлга қайтаргин, Аллоҳим!

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал.



2235. Мусибатга куйиниб, бесабрлик қилишнинг ўзи яна бир мусибатdir.

«Унваанул байан» китобидан.



2236. Абу Зухайр Анморий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ алайҳиссалом кечаси ўринларига ётсалар, «Бисмиллаахи вазоъту жамбий. Аллоҳуммағfir занбий ва ахсий шайтоний ва фукка риҳааний важъалний фин надийийл аълаа» (Аллоҳнинг исми ила ёнбошимни қўйдим. Аллоҳим, гуноҳларимни кечир, шайтонимни ҳайда, гаровдаги нарсаларимни халос қил ва мени олий жамоалар (фаришталар) мајслисида қил) дер эдилар.

Абу Довуд ривояти.



2237. Биз инсонлар касаллик ҳамда қазои қадар қаршисида ожизмиз. Модомики ўзимизга фойда келтириб, зарарни дафъ қилишга қурбимиз етмас экан, қуидаги дуони ўқишимиз керак: «**Аллоҳумма, инний аъуузу бика мин заволи ниъматика ва таҳаввули ъафиятика ва фаж‘ати ниқматика ва жамийъи сұхтик**» (Аллоҳум, берган неъматинг завол бўлишидан, берган оғиятинг ўзгариб кетишидан, тўсатдан келувчи ўчингдан ва жамики газабингдан паноҳ тилайман)

Имом Муслим ривояти.



2238. Аллоҳга ишонч дегани шуки, ўзингдаги энг қадрли нарсани қўлдан бой берасан-да, табассум қилган ҳолда: «Аллоҳ тақдирга битгани шу экан, Аллоҳ нимани хоҳласа, шу бўлади», деб айтасан!



2239. Узокда туриб шижоатли бўлиш осон.



2240. Тажриба – натижалар ойнасидир.



2241. Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ётишга шайлансалар, «Алҳамду лиллаҳиллаазий кафааний ва авааний ва атъаманий ва сақоний валзаний манна ъалайха фа афзола валзаний аътоний фа ажзала. Алҳамду лиллаҳи ъалаа кулли хаал. Аллоҳумма, Робба кулли шай`ин ва малийкаху ва илааха кулли шай`ин, аъуузу бика минан-наар», дер эдилар» (Менга кифоя қилгудек нарса ва маскан берган, мени едирган, ичирган ва менга афзал нарсаларни бериб, түкис қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Ҳар қандай ҳолатда Аллоҳга ҳамд бўлсин. Аллоҳим, эй ҳар бир нарсанинг Робби, молики ва ҳар бир нарсанинг илоҳи! Дўзахдан паноҳ тилайман)


Абу Довуд ривояти.

إِذَا لَمْ تُسْتَطِعْ شَرْحَ فَكْرٍ تَكَّ
لَطَّافِلُ عَمْرَهُ لَا أَعْوَامَ فَأَنْتَ
نَفْسُكَ لَمْ تَفْهَمَهَا بَعْدَ !

“ ”

إِينْشَتاين

2242. Фикрингни олти яшар болага тушунтира олмасанг, демак, ўзинг ҳали ўша нарсани тушунмабсан!



2243. Ҳасан Басрий айтдилар:

«Мўмин кишининг эзгулиги кўпайган сари, хавфи ҳам зиёдалашиб, ҳатто «Энди мен нажот топмасам керак», дейди. Фосиқ эса: «Менга ўхшаганлар кўп-ку?» дейди».



وَهُوَ حَفْرٌ حَفْرَةً لِأَخْبَرِهِ... وَقَعْدَةٌ فِيهَا !

2244. Ким биродарига чох қазиса, ўша ерга ўзи тушади.




2245. Рўза таннинг соғлиги, тунги намоз эса кундузнинг кўркидир.
«Унваанул байан» китобидан.



2246. Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Ким тўшагига ётаётган пайтда: «Астағфируллоҳаллазий лаа илаҳа иллаа ҳувал Ҳаййул Қоййум ва атуубу илайҳ» деб уч марта айтса, гуноҳлари денгиз кўпигича ёки юлдузлар ададича ёки бир-бирига жипс қумлар сонича ёки дунё кунларининг ададича бўлса ҳам, Аллоҳ таоло кечиради».

Имом Термизий ривояти.



2247. Модомики инсон жасади кифоя қилгудек сувва таомга мұхтож экан, унинг рухи ҳам иймон ва маърифат хусусида кифоя қилгудек озуқага мұхтождир.



2248. Ҳар бир нарсанинг хотимаси бор. Мана шуни аввалдан билмоғимиз даркор.



2249. Кишининг одамлар сезмайдиган, ички ғаламислиги унинг ёмон хотима топишига сабаб бўлади.



2250. Ахил дўстлар турли таналардаги битта жондир.



2251. Саҳобалардан бири айтади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида ўтирган эдим, бир саҳобий келиб, «Эй Аллоҳниң Расули, шу кеча мени чаён чақиб олиб, тонг отгунча ухлаганим йўқ», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Кеч кирганда: «Аъуузу бикалимаатиллаҳит тааммати мин шарри маа холақ» (Аллоҳниң мукаммал қалималари ила У яратган нарсаларниң ёмонлигидан паноҳ тилайман) десанг, иншааллоҳ, ҳеч нарса зарар бермайди».**

Абу Довуд ривояти.



2252. Ғазаб пайтида айтган сўзинг тўғри бўлиши мумкин, лекин барибир хато йўл билан айтилган бўлади.



2253. Бир куни (мусулмон бўлмасларидан аввал) Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ўлдириш мақсадида йўлга тушган эдилар. Ҳозир эса у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига дафн этилган ҳолда ётибдилар. Сен ҳам ҳеч бир кишидан умидингни узма. Ҳамма ҳам бир кун ўзгаради. Эҳтимол, у сенинг кўлингда яхши томонга ўзгариб қолар?



2254. Бир нарса умринг бўйи давом этишини хохласанг, бу ҳақда ҳеч кимга айтма!




2255. Ҳасад темирнинг зангиға ўхшайди, уни еб тутатмагунча кетмайди.



2256. Ибн Умар розияллоҳу анҳу бир кишига шундай деди: «Тўшакка ётаётганингда: «Аллоҳумма, анта холақта нафсий ва анта татаваффаҳаа, лака мамаатуҳаа ва маҳиаҳаа, ин аҳйайтаҳаа фахфазҳаа, ва ин аматтаҳаа, фағfir лаҳаа. Аллоҳумма, инний ас`алукал ъаафиyya» (Аллоҳим, мени Ўзинг яратдинг, уни ўлдирувчи ҳам Ўзингсан. Унинг ҳаёти ҳам, мамоти ҳам Сенинг қўлингда. Агар уни тирик қўйсанг, муҳофаза қилгин. Агар ўлдирсанг, магфират қилгин. Аллоҳим, Сендан оғият сўрайман) деб айтгин, мен бу дуони Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшиитганман».

Имом Муслим ривояти.



2257. Иброҳим Фуқий айтадилар:

Ўзига ишонган одам бирорларнинг мақтовига мухтож бўлмайди. Одамларнинг мақтовига учдими, демак, у ўзининг қадр-қиммати хусусида шубҳада экан.




د.أحمد عيسى المعصراوى

إذا دخلت لصلاة الفجر ورأيت قلة
المصلين فاعلم أن الله اصطفاك .. من بين
عباده ..
هنيئاً والله لمن صلى الفجر في جماعة
فإنك في ذمة الله

2258. Бомдод намозини ўқиш учун масжидга кирсанг-у, намозхонларни оз бўлса, билиб қўйки, Аллоҳ сени бандалари орасидан танлабди.

Бомдод намозини жамоатда ўқийдиганларга олқишлиар бўлсин, чунки улар Аллоҳнинг кафолатидадирлар!



2259. Билган нарсанги содда қилиб тушунтира олмаётган бўлсанг, демак, ўзинг ҳали у нарсани яхши тушунмабсан.



2260. Улугъ зотларнинг энг чиройли хислатларидан бири пасткашга жавоб беришни тарк қилишдир.
«Унваанул байан» китобидан.



2261. Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анҳу: «Эй Аллоҳнинг Расули, менга бирор калима ўргатинг, уни эрталаб ва кечқурун айтиб юрай», деганларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Эрта тонгда, кеч кирганда ва жойингга ёнбошлаганингда «Аллоҳумма, фаатирос-самавати вал ард, ъаалимал ғойби ваш-شاҳаада, Робба кулли шай`ин ва малийкаҳ. Ашҳаду аллаа илааҳа иллаа анта, аъуузу бика мин шарри нафсий ва шарриш-шайтони ва ширкиҳ»** (Эй еру осмонни бор қилган, гойибни ҳам, шоҳидни ҳам билувчи, ҳар бир нарсанинг парвардигори ва подшоҳи бўлган Аллоҳум! Гувоҳлик бераманки, Сендан бошқа илоҳ йўқ. Нафсимнинг ёмонлигидан, шайтоннинг ёмонлигию ширкидан Ўзингнинг паноҳингни тилайман) деб айтгин».

Абу Довуд ва Термизий ривояти.




2262. Энг буюк сабр – нафсга қарши турғылғандаги сабрдир.

لو كان مراد الله لنا هو العزلة .. لما أخرجنا من الأرحام .. ولتركنا معزولين في بطون أمهاتنا .. علينا أن ننزل إلى الناس .. إن كلماتنا الجميلة في الخلوة لا تصل إلى أحد !

د. مصطفى ممدوح رحمه الله

2263. Аллоҳнинг хоҳлагани узлат, яъни одамлардан четлашиш бўлганида эди, биз оналаримизнинг қорнидан чиқмай, ўша ерда узлатда қолган бўлар эдик. Бироқ бизга одамлар ичидаги араласиб юриш буюрилган. Одамлардан четда юриб айтган гўзал сўзларимиз ҳеч кимга етиб бормайди.

Мустафо Маҳмуд.



2264. Шайх Шаъровийнинг сўзларидан:

Қўлга киритганинг эмас, фойдалана олганинг ризқдир. Кўп мол-дунё топасан, лекин ундан на бировга нафақа қиласан, ўзинг на фойдаланасан. Демак, у сенинг эмас, бошқаларнинг ризқи экан. Сен унга қўриқчисан, холос – бир тийинини ҳам ишлатмай эгасига элтиб берасан.



2265. Ким ўзига берилган ҳадяни қайтарса, тубанлиги ошибди.

«Унваанул байан» китобидан.



2266. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйқуга ёнбошласалар: **«Аллоҳумма, бисмика Роббий вазоъту жамбий, фагfirлий занбий»** (*Аллоҳим, Сенинг исминг ила ёнбошимни қўйдим, гуноҳларимни кечир*) дер эдилар.

Ибн Сунний ривояти.



2267. Қалбим солих бўлсин десанг, тилингни тий!



2268. Ҳаёт бир мактаб, одамлар – савол, кунлар эса жавоблардир.



2269. Насл-насабингга суюниб, тақвони тарк қилма!

Ислом Салмон Форсийнинг қадрини кўкларга кўтариб, шарафли насаб соҳиби бўлган Абу Лаҳабни тубан мушриклар даражасига туширди.



2270. Омади келган тулки омад юз ўтирган шердан ғолиб келади.

«Унваанул байан» китобидан.



2271. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхиссалом тўшаклариға ётмоқчи бўлсалар, шундай дер эдилар: «**Аллоҳумма, амтиъний бисамъий ва басорий, важъалхумал ваариса минний, вансурний ъалаа ъадуввий ва ариний минҳу са'рий.** Аллоҳумма, инний аъузу бика мин ғолабатид-дайнин ва минал жуъи, файннаҳу би`саз зожиъ» (*Аллоҳим, қулогим ва кўзимни фойдаланишим учун қолдириб, уларни менга меросхўр қил (яъни ўлгунимча саломат қил), ганимларимга қаршии менга ёрдам бер ва ўч олишини менга кўрсат. Аллоҳим, қарз юкининг енгиб қўйишидан ва очликдан Ўзинг паноҳ бер, чунки очлик ёмон ётиб қоладиган ҳамроҳдир).*

Ибн Сунний ривояти.



2272. Кучли бўлай десанг, дарахт каби секин ўсгин, аммо қўзиқорин каби бўлма, чунки у тўсатдан пайдо бўлиб қолади, аммо узоқ қолмайди.

تأخير التوبة من الذنب ،
ذنب آخر يحتاج إلى توبة ، لأن
التوبة واجبة على الفور.

2273. Гуноҳларга тавба қилишни кечиктиришнинг ўзи ҳам алоҳида бир гуноҳ бўлиб, унинг ўзи ҳам тавбага муҳтождир, чунки тавбани дарҳол қилиш вожибdir.

د أحمد عيسى المعصراوي



أحدهم يقول:
سأله: لم لا تصلي؟
فأجابني: ادع الله لي بالهدایة

وبينما هو متوجه إلى عمله
قلت له: لاتذهب
قال: لماذا؟
قلت: سأدعو الله لك بالرزق!

الحقيقة سوف تسود

2274. Бир кишига: «Нима учун намоз ўқимайсан?» десам, «Аллоҳга дуо қилинг, менга ҳидоят берсин», деди. У ишига кетаётган эди, «Ишга бормай қўявер», дедим. «Нимага?» деди у. «Мен сен учун ризқ сўраб, Аллоҳга дуо қиласман», дедим.




2275. Илмга фақат пок қалб ва тақволи табиат билан етишадилар.



2276. Оиша розияллоху анҳо ҳам ухламоқчи бўлсалар, «Аллоҳумма инний ас`алука ру`я солиҳатан, содиқатан ғойро казибах, нафиъатан ғойро зорроҳ» (Аллоҳум, Сендан ёлгон эмас, ростгўй туш, зарарли эмас, фойдали, солиҳ туш сўрайман) дер эдилар ва шундан сўнг ҳеч бир сўз гапирмас эдилар.


Ибн Сунний ривояти.



2277. Пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч кимнинг ҳимоясига мұхтож эмаслар. Лекин ҳар бир киши иймонини мустаҳкамлаш учун у зотни ҳимоя қилишга мұхтождир!



2278. Ютуқларинг сени кеккайишга ундаса, демак ҳақиқий ютуққа эришмабсан. Муваффақиятсизлик азму қарорингни ва шижаатингни оширса, демак ҳақиқий муваффақиятсизликка учрамабсан.



2279. Аллоҳ сени тунги таҳажжуд намозини ўқиши бахтига мұяссар қилса, таҳажжудни ўқий олмай, ухлаб қолғанларга паст назар билан қарамагин.

Аллоҳ, сени (нафл) рўза тутиш бахтига мұяссар қилса, рўза тутмаганларга паст назар билан қарамагин. Кўпгина ухлаб қолған ва нафл рўза тутмаганлар борки, улар Аллоҳга сендан кўра яқинроқдир.

Кечани (ибодатда) бедор ўтказиб, сўнг бу қилган ишингдан мақтаниб, кеккайганингдан кўра ухлаб қолиб, надомат чекканинг яхшироқдир, чунки ўз амалига ғурурланиб, кеккайган кишининг амали (Аллоҳнинг даргоҳига) кўтариilmайди!



2280. Ким ҳикмат жиловини қўлга олса, одамлар уни пешво тутадилар.



2281. Убода ибн Сомит розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоху алайхи васаллам шундай дедилар: «**Ким кечаси уйғониб, «Лаа илааҳа иллаллоху вахдаху лаа шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъалаа қулли шай'ин қодийр, валҳамду лиллаах, ва субҳааналлоҳи ва лаа илааҳа иллаллоху валлоху акбар, ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаах»** ёки «**Аллоҳуммағfir лий»** (*Аллоҳим, гуноҳларимни кечир*) деса ёки дуо қилса, ижобат бўлади, таҳорат қилса, ўқиган намозлари ҳам қабул қилинади».

Имом Бухорий ва Термизий ривояти.



2282. Масжид одблари:

1. Телефонни ўчириш.
2. Пойафзални ўтиш ва кириш жойларидан четроққа қўйиш.
3. Тозаликка риоя қилиш.
4. Жимлик сақлаш.
5. Масжиддан намозхонларини сиқиб қўймаган ҳолда чиқиш.
6. Хушбўй сепиб олиш.
7. Покиза, масжидга муносиб кийимда бўлиш.



2283. Гоҳида хафаликнинг сабабларини тушунтиргандан кўра ўзингни бахтиёр кўрсатиш осонроқдир.



2284. Набий соллаллоху алайхи васалламга салавот айтиб, оғзингни муаттар қил!

Соллаллоху алайхи васаллам!




2285. Тошлок ерда экин күкармаганидек, қаттиқ қалбларга ҳикмат таъсир қилмайди.



2286. Оиша онамиз розияллоху анху ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кечаси уйғонсалар, шундай дер эдилар: «Лаа илааҳа иллаа анта، سубھااناكاللھومما وَ بِھامدیک، اسْتَغْفِرُكَ لِمَا تَرَأَى وَ لَا تُزَغْ قَلْبِي بَعْدَ إِذْ هَدَيْتَنِي وَ هَبْ لِي مِنْ لَذْتِكَ رَحْمَةً إِلَكَ أَنْتَ الْوَهَابُ». (Үзингдан бошқа илоҳ йүк, Аллоҳим, Сени ҳамдинг ила поклаб ёд этаман. Сендан гуноҳларимга мағфиратингни ва раҳматингни сўрайман. Аллоҳим, илмимни зиёда қил, ҳидоятга соганингдан кейин қалбимни оғдирма. Ҳузурингдан менга раҳмат бер, албатта, Сен кўплаб ато этгувчисан).

Абу Довуд ривояти.



2287. Нематларнинг хикмати:

Имтиҳон ва синов фақат беморлик ва камбағалликда бўлавермайди:

- Соғлик ҳам синовдир.
- Бойлик ҳам синовдир.
- Гўзаллик ҳам синовдир.
- Мулк ҳам синовдир.

- Амал ва мансаб ҳам синовдир.
- Фарзанд-зурриётлар ҳам синовдир.
- Аллоҳ таоло бандаларининг неъматга шукр қилиши ёки кўрнамаклик қилишини билиш учун неъматларниң аксарини синов қилиб беради.

Масалан, Аллоҳ подшоҳ-пайғамбарлардан бири Сулаймон алайҳиссаломга барча нарсани бўйсундириб берган ва у зот алайҳиссаломниң тилидан шундай марҳамат қилган:

«Бу Роббимниң фазлидандир. Мен шукр қиласманми ёки қуфрони неъмат қиласманми, синаш учундир. Ким шукр қилса, ўзи учунгина шукр қилур. Ким неъматга ношукур бўлса, Роббим беҳожат ва қарамли Зотдир» (*Намл сураси, 40-оят*).

Аллоҳим, бизни ҳам шукр қилувчи бандалардан қилгин!

(Сулаймон) деди: **«Роббим, мени Ўзинг менга ва ота-онамга берган неъматларингга шукр этишимга ва сен рози бўладиган солиҳ амаллар қилишимга муяссар этгин. Ўз раҳматинг ила мени солиҳ бандаларингга қўшгин» (*Намл сураси, 19-оят*).**



2288. Ҳаётнинг барча кўринишларида менга таълим берган нарса шуки, сукут қилиб жим турган тил энг етук тил экан.



2289. Ошиқ ва мутаассиб билан тортиша кўрма, чунки биринчисининг қалби кўр, иккинчисининг эса ақли ёпиқдир.



2290. Қүш қандай учган, ҳаволарга қандай күтарилиған бўлса, худди шундай ерга қўнади.
«Унваанул байан» китобидан.



2291. Уммул мўминин Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кечаси уйғонсалар, «Лаа илааха иллаллоҳу вaaхидал қоҳдаар, Роббус-самааваати вал арди ва маа байнахума, ал-ъазийзул ғоффаар» (*Қаҳҳор сифатли яккаю ёлғиз Аллоҳдан бошқа илоҳ йүк. У еру осмон ва унинг орасидаги бор нарсаларниг Робби бўлган азиз ва гаффор сифатли Зотдир*) дер эдилар».

Ибн Сунний ривояти.



2292. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳимоя қилиш учун ғазаб қил, лекин у ҳам у зотнинг ахлоқлари билан бўлсин.



2293. Садақаларнинг энг афзали сув билан сийлашдир.



2294. Хотам ал-Асом розияллоху анху айтади: «Солиҳа аёл диннинг устуни, уйнинг бинокори ва тоат-ибодатда ёрдамчиидир».



2295. Ўзини хокисор тутган ҳурмат қилинади, ҳурмат талаб қилган эса хорланади.



2296. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Бирингиз кечаси тўшагидан туриб, сўнг яна қайтса, уни изорининг бир тарафи билан уч марта қоқиб юборсин, чунки унда нима борлигини билмайди. Ёнбошлаганда шундай десин: «Бисмикаллоҳумма вазоъту жамбий ва бика арфаъух, ин амсакта нафсий фарҳамҳа ва ин родадтаҳа фахфазҳа бима таҳфазу биҳи ъибадакас солиҳийн» (Аллоҳим, Сенинг исминг ила ёнбошимни қўйдим ва Сенинг номинг ила турман. (Уйқудалигимда) нафсимни олсанг, унга раҳм қилгин.

Агар уни яна ҳаётга қайтарсанг, солиҳ бандаларингни сақлаганингдек муҳофаза қилгин).

Имом Термизий, Ибн Можса, Ибн Сунний ривояти.



2297. «(Қасамки,) Биз (Одам алайхиссаломни) инсонни лойнинг мағзидан яратдик. Сўнгра уни (барча инсонларни аввало) мустаҳкам қароргоҳдаги (бачадондаги) нутфа-маний қилдик. Сўнгра бу нутфадан лахта қонни яратиб, лахта қондан бир тишилам гўштни яратиб, бир тишилам гўштдан суюкларни яратиб, бу суюкларга гўшт «кийдирдик», сўнгра (унга жон киргизиб, аввалги томчи сув – нутфадан бутунлай) бошқа бир жонзот ҳолида пайдо қилдик. Энг Гўзал Яратгувчи (яъни йўқдан Бор қилгувчи бўлмиш) Аллоҳ Баракотли, Буюкдир».
(Муъминун сураси, 12-14-оятлар).

Изоҳ: Ушбу оятда инсоннинг она қорнидаги бир томчи сувдан то тирик, комил инсонга айлангунигача кечган жараён Яратганнинг Ўз Илохий қалами ила аник-равшан қилиб чизиб берилди. Дарвоқеъ, Буюк Яратгувчи — Аллоҳдан ўзга ҳеч ким мазкур жараённи бу қадар ойдин ва муфассал баён қилишга қодир эмас.



2298. Мен ҳам тупроқдан яратилганман, сен ҳам тупроқдан яратилгансан. Такаббурлик қилиб, кеккайишинг учун тупроқнинг бирор тури ва белгиси бор, деб ўйлайсанми?



2299. Таҳажжуд намози ҳақидаги сўзлар:

Саъид ибн Мусаййаб роҳимаҳуллоҳ айтдилар: «Киши таҳажжуд намозини ўқиса, Аллоҳ унинг юзида бир нур пайдо қиласди. Уни ҳар бир мусулмон яхши кўриб қолади. Ҳатто уни ҳеч кўрмаган киши ҳам: «Мен бу кишини яхши кўраман», деб қолади».



2300. Ким сенга шикоят қилса, сендан нимадир сўраган бўлади. Ким сен қилган ишни қилмаса, сени

айблаган бўлади. Ким ўз гапида сендан бошқага юзланса, сени ҳайдаган бўлади.



2301. Имом Моликдан ривоят қилинади:

Абу Дардо розияллоху анху ярим кечаси уйғонсалар, «**Наматил ъуйууну ва ғоротин нужуум, ва анта Ҳаййун Қоййум**» (*Күзлар ухлади, юлдузлар ботди, Сен эса тирик ва қойимсан*) дер әдилар.



2302. Кўпчилик бошқаларнинг ҳаётини ўзининг ҳаётдан афзал деб ўйлайди. Бошқалар эса уларнинг ҳаётини ўзиникидан афзал деб ўйлайди. Бунинг сабаби шуки, биз қаноатнинг ҳақиқий маъносини йўқотиб қўйганмиз. Бахтсизликнинг сири эга бўлган нарсамиздан рози эканимизни унутишимиздадир.

سُئِلَ أَحَدُ الْأَعْرَابِ:
هَلْ هَذِهِ الدِّابَّةُ لِكَ؟
فَقَالَ: هِيَ اللَّهُ فِي يَدِي

2303. Бир аъробийдан: «Бу улов сеникими?» деб сўраши. Аъробий: «Йўқ, у Аллоҳники, факат менинг қўлимда, холос», деди.



2304. Ёмғирсиз момоқалдироқдан ўт-ўлан ўсмайди. Худди шунингдек, ихлоссиз иш ҳам хайрли самара бермайди.



2305. Дунёдан зухд қилиш улуғ роҳатдир, дунёга рағбат қилиш эса улуғ балодир.

«Унваанул байан» китобидан.



2306. Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга уйқусизликдан шикоят қилдим. У зот: «Аллоҳумма, ғоротин нужууму ва ҳада`атил ъуюуну, ва анта Ҳаййун Қоййум, лаа та`хузука синатун ва лаа навм, йаа ҳаййу, йай қоййум, аҳдий лайлий ва аним ъайний» (Аллоҳим, юлдузлар ботди, кўзлар тинди. Сен эса тирик, қоимдирсан. Сени мудроқ ҳам, уйқу ҳам олмайди. Эй тирик ва қойим бўлган Зот, кечамни тинч қилиб, кўзимга уйқу бер) дегин», дедилар. Шу дуони айтган эдим, Аллоҳ мендан уйқусизликни кетказди».

Ибн Сунний ривояти.




2307. Бахтни ҳис этиш учун ғам-ташвиш чекиб кўриш керак.

- Ютуқни қўлга киритиш учун муваффақиятсизликни бошдан ўтказиб кўриш керак.
- Яхшиликни ажратиб олиш учун ёмонликка назар солиб кўриш керак.
- Яхши кўришни ҳис этиш учун кароҳиятни ҳам билиб кўриш керак.
- Ғалабани ҳис этиш учун мағлубиятга учраб кўриш керак.
- Хузур-ҳаловатни ҳис этиш учун оғриқни тотиб кўриш керак.

Демак, ҳар бир неъматнинг қадрига этиш учун ундан маҳрум бўлиб кўриш керак. Улар бўлмаганида ҳеч нарсанинг қадр-қимматини ҳис этмаган бўлар эдик.



2308. Яқинларнинг зарбаси хатарлидир, чунки у яқин масофадан келади.



2309. Ишончли одамнинг ҳузурига омонат қўйганимизда у: «Кўз ўнгимда туради, хотиржам

бўлинг» деса, кўнглимиз хотиржам бўлади. Шундай экан, оламларнинг Робби бизга қарат: «**Роббингнинг хукмига сабр қил. Албатта, сен кўз ўнгимиздасан**», деганида нимани ҳис қиласиз?

Нақадар буюксан, Аллоҳим!

* *Tur surasi, 48-oyat*



2310. Бузругмехр деди:

«Энг қувватли ҳайвон ҳам ётишга муҳтож, энг оқила аёл ҳам эрга тегишга муҳтож, энг уддабурон эркак ҳам маслаҳатга муҳтождир».

«Унваанул байан» китобидан.



2311. Амр ибн Шуъайб отасидан, отаси бобосидан ривоят қиласи:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйқусида кўрқканларга: «Аъуузу بِكَالِمَاتِ اللَّهِ التَّامَّةِ مِنْ غَصَّبِهِ وَشَرِّ عَبَادِهِ وَمِنْ هَمَزَاتِ الشَّيَاطِينِ وَأَنْ يَحْضُرُونَ» (Аллоҳнинг мукаммал қалималари билан Унинг ғазабидан, бандаларининг ёмонлигидан, шайтон ҳозир бўлиб, васваса қилишидан паноҳ тилайман) дейишни ўргатганлар.

Абу Довуд, Термизий ва Ибн Сунний ривояти.

Абдуллоҳ ибн Амр бу дуони ақли кирган болаларига ўргатар эди, агар ҳали ақли кирмаган бўлса, уни ёзиб, бўйнига илиб қўярди.



2312. Болаларнинг орзуси бир бўлак ширинликдир.
Мана бу болакай эса ўша орзусини сотмоқда!



2313. Кишининг жавобига эмас, балки берган
саволига қараб ҳукм чиқар.



2314. Тарихни ўрганиб, олган фойдамиз шу бўлдики, инсоният кўпинча тарихнинг ўгитларига қулоқ солмас экан.



2315. Одамларнинг энг ёмони узрларни қабул қилмайдиган, хатоларни беркитмайдиган, қоқилишларни кечирмайдиганлардир.
 «Унваанул байан» китобидан.



2316. Бурайда розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Холид ибн Валид розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга уйқусизликдан шикоят қилди. У зот шундай дедилар: «Тўшагингга ётсанг, шундай деб айт: «Аллоҳумма, Роббас самааваатис-сабъи ва маа азаллат, ва Роббал ардийна ва маа ақоллат, ва Роббаш-шайяатийна ва маа азаллат, кун лий жаарон мин холқика куллихим жамийъан ан йафрута ъалайха аҳадун минҳум ва ан йабғийа ъалайха, ъазза жаарука ва жалла санааука ва лаа илааҳа ғойрука ва лаа илааҳа иллаа анта» (Аллоҳим, эй етти осмон ва уни соялантирадиган нарсаларнинг

Робби, ер ва у кўтариб турган нарсаларнинг Робби, шайтон ва у адаштирган нарсаларнинг Робби! Менга бирор киши зўравонлик қилиб, ҳаддан ошмаслиги учун ҳаммасининг устидан Ўзинг ҳимоячи бўл. Сенинг ҳимоянг улуғ, саноинг олийдир. Сендан бошқа илоҳ йўқ. Фақат Сенгина илоҳдирсан).

Термизий ривояти.



2317. Нахл сураси шошқалоқликдан қайтариш билан бошланади:

«Аллоҳнинг амри келди. Унинг тезроқ келишини талаб қилмай қўя қолинг».

Ва сабр қилишга буюриш билан тугалланади:

«Сабр қил, сенинг сабринг факат Аллоҳ биландир».

Шошқалоқликдан сақланиб, сабрни лозим тутгин!



2318. Одам вақтидан унумли фойдалана олса, бу Аллоҳ уни ютуққа эриштирганининг далилидир.



2119. Гап-сўзни кўпайтирганинг сари хатоларинг кўпаяверади. Лекин Аллоҳнинг зикри ундаи эмас – зикрни кўпайтирганинг сари хатоларинг ўчирилаверади.



2120. Сўрашдан ўзингни тий, етарли ризқ ўзи келади.

«Унваанул байан» китобидан.



2321. Абу Хурайра розияллоху анҳу бундай деганлар:

«Бирортангиз ўзига ёқмайдиган туш кўрса, уч марта туфлаб, сўнг «**Инний аъуузу бика мин ъамалиш-шайтони ва саййиатил ахлаам**» (Шайтоннинг амалидан ва ёмон тушдан Ўзинг паноҳ бер) деса, унга ҳеч нарса зарар қилмайди».


Ибн Сунний ривояти



2322. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Нарда ўйнаган одам қўлини чўчқанинг гўштига (уриб), қонига бўягандек бўлади», дедилар.



2323. Инсон оч бўлса, овқат ейиш билан қорни тўяди. Зикр эса бунинг аксиdir. Ҳар гал зикр қилса, қалб эшиги очилиб, зикрга бўлган иштаҳаси ортиб бораверади. Шарти қалбини Аллоҳ томон юзлантириб, Аллоҳнинг сифатларига иймон билан назар солиш, зеро, Аллоҳ –эшитувчи, кўрувчи, билувчи ва кузатувчи Зотdir.



2324. Кофирлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни каззоб, шоир, сехргар, мажнун деб аташганда Аллох у зотни Үзи химоя қилиб, шундай деган:

«Албатта, Биз Үзимиз Сизни масхара қилгувчиларга (яни уларни ҳалок этиш учун) кифоя қилурмиз» (Хижр сураси, 95-оят)



2325. Кимни дўсти кўллаб-куватласа, душмани унга хор бўлади.

من كتاب الأذكار للنwoي

Имом Нававийнинг ал-Азкор китобидан

Тушини айтиб берган кишига
қилинадиган жавоб 152

ما يقول إذا قصت عليه رؤيا

خَيْرًا رَأَيْتَ وَخَيْرًا يَكُونُ خَيْرًا تَلْقَاهُ
وَشَرًا تَوَفَّاهُ خَيْرًا لَنَا وَشَرًا عَلَى أَعْدَائِنَا
وَالْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ

www.arabic.uz

2326. Бир одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга туш кўрганини айтса, «**Хойрон роайта ва хойрон йакун»** (*Яхшилик кўрибсан, яхши бўлади*), дер эдилар.

Бошқа ривоятда шундай дейилган: «**Хойрон талқоҳу ва шаррон таваққоҳу, хойрон ланаа ва шаррон ъалаа аъдаана, валҳамду лиллаахи Роббил ъааламийн»** (*Яхшиликка йўлиқасан, ёмонидан сақланасан. Кўрган тушинг бизнинг фойдамизга, душманнинг зарарига бўлсин. Оламлар Робби Аллоҳга ҳамд бўлсин*), дер эдилар».

Ибн Сунний ривояти



2327. Бахт-саодат гўзалликда ҳам, бойликда ҳам, куч-кувватда ҳам, соғликда ҳам эмас. Ҳақиқий саодат ушбу нарсалардан оқилона фойдаланишдадир.

Мустафо Маҳмуд.



بستان الحكماء

2328. Кузда түкилмаган япроқ тенгдошларининг наздида хоин, дарахтнинг наздида вафодор, фаслларнинг наздида эса исёнчиdir. Xар ким ҳар бир ҳолатни ўз нуқтаи назаридан кўради.



2329. Аллоҳ таоло Юнус алайҳиссалом ҳақида шундай деган:

«Кўп тасбех айтувчилардан бўлмаганида унинг қорнида қайта тириладиган Кунгача қолиб кетар эди» (Соффат сураси, 143-144-оятлар).

(Юнус алайҳиссалом Аллоҳга кўп тасбех айтмаганида, ўша балиқнинг ичидаги қиёматгача қолиб кетар эди)

Демак, тинчлик-хотиржамлиқдаги тасбехинг фалокатда асқотар экан.



2330. Кимни насаби ўтиргизса, одоби уни турғизади.



2331. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга ҳамма ишларда истихора қилишни (яхшилик сўрашни) худди Қуръондан сурा ўргатгандек ўргатар эдилар. У зот шундай дер эдилар: **«Бирортангиз бир ишни қасд қилса, фарздан ташқари икки ракъат намоз ўқисин.** Сўнг: **«Аллоҳумма, инний астахийрука биъилмик, ва астакдирука биқудротик, ва ас`алука мин фазликал ъазийм. Фаиннака такдиру ва лаа ақдиру, ва таълamu ва лаа аъlamu ва анta ъallaamul fuuyuub.** Аллоҳумма, ин кунта таълamu анна ҳаазал амро хойрун лий фий дийний ва маъааший ва ъақибати амрий, ъаажили амрий ва аажилиҳи, факдурху лий ва йассирху лий, сумма баарик лий

фийхи. Ва ин кунта таъламу анна ҳаазал амро шаррун лий фий дийний ва маъаший ва ъақибати амрий, ъаажили амрий ва аажилиҳи фасрифху ъаний вақдурлийал хойро ҳайсу каана, сумма роддиний бих» деб, сўнг ҳожатини айтсин» (Аллоҳим, Сенинг илминг билан Сендан яхшилик сўрайман. Сенинг қудратинг билан қодирлик сўрайман ва улуғ фазлингдан сўрайман. Сен (ҳар нарсага) қодирсан, мен қодир эмасман. Сен (ҳар нарсани) билувчисан, мен билмайман. Сен гайбни билувчисан. Аллоҳим, агар мана шу қилаётган ишим динимда, яшашимда, ишларимнинг оқибатида, дунё ва охиратимда мен учун яхши бўлса, уни менга насиб қилгин ва осон қилгин, сўнг унда менга баракот бергин. Агар мана шу ишим динимда, яшашимда, ишларимнинг оқибатида, дунё ва охиратимда мен учун ёмон бўлса, мендан уни узоқлаштири ва қаерда бўлса ҳам, мен учун яхшиликни тақдир қил ва мени ундан рози қил).

И мом Бухорий ривояти.

التغريدة



د. أحمد عيسى المعصراوي

سُئل الإمام أحمد :
 متى يجد العبد طعم الراحة ؟
 فقال : عند أول قدم يضعها في الجنة !!

رزقني الله وإياكم الجنة بدون حساب ولا
 سابق عذاب .

2332. Имом Аҳмаддан: «Банда роҳат лаззатини қаҷон тотади?» деб сӯрашди. У зот: «Жаннатга биринчи қадамини қўйганида», дедилар.

Аллоҳим, барчамизни ҳисоб-китобсиз, азобга дучор бўлмаган ҳолда жаннатингга мушарраф қил!



2333. Оила аъзоларимга: «Сўзга чиқишимдан олдин устимга қаҳва тўкилиб кетди» деб, ўша нокулай вазият ҳакида гапириб бераётган эдим, барчалари: «Кейин нима бўлди?» деб сўрашди. Фақат онам: «Бирор озор етмадими?» дедилар.



2334. Ҳимматни кучайтириш ҳалол таом ейиш ва Аллоҳ чизган чегарада туриш билан бўлади. Бунинг учун аспирин эмас, жидду-жаҳд керак.



2335. Неъмат гўзал нарса, шукрни унга тумор қил. Шукр қилинган неъмат завол топмайди, нонкўрлик қилинган неъмат узокқа бормайди.

«Унваанул байан» китобидан.



2336. Ибн Масъуд розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дер эдилар: «Ат-таҳийаату лиллаҳи вас-солаваату ват-тойибаат. Ассалаamu ъалайка, айиҳан-Набиyyu ва роҳматуллоҳи ва барокатух. Ассаламу ъалайнаа ва ъалаа ъибаадиллаҳис-солиҳийн. Ашҳаду аллаа илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ъабдуҳу ва росуулуҳ».»

(«Саломлар, дуолар ва яхшиликларнинг барчаси Аллоҳ учундир. Эй Пайғамбар, сизга салом ва Аллоҳнинг раҳматију баракоти бўлсин. Бизларга ва Аллоҳнинг солиҳ бандаларига ҳам салом бўлсин. Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ деб гувоҳлик бераман ва Мухаммад Аллоҳнинг бандаси ва Расули деб гувоҳлик бераман»)

Муттафақун алаїх.



2337. Ҳикматга юзлансанг, (яъни ҳар бир ишингни ҳикмат асосига курсанг,) шаҳват ақлга хизмат қилур. Ҳикматдан юз ўгирсанг, ақл шаҳватга хизмат қилур.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوى

الثبات لا يكون بكثره الاستماع للمواعظ
 وإنما يكون (ب فعل) تلك المواعظ ...

﴿ولو أنهم فعلوا ما يوعظون به لكان خيراً
لهم وأشد تثبيتاً﴾ ..

2338. Саботли бўлиш мавъизаларга кўп қулоқ солиш эмас, балки ўша мавъизаларга амал қилишдир.

«Ўзларига ваъз қилинган нарсаларни қилганларида эди, ўзларига яхши бўлар, саботлари ҳам мустаҳкам бўлар эди» (Нисо сураси, 66-оят).



2339. Амалинг билан (бирор савоб ишни) эриша олмасанг, ҳеч бўлмаса ниятинг билан эришгин, чунки Аллоҳнинг ҳузурида қалбларнинг ўрни юқоридир.



2340. Узоқ вақт чўзиб юргандан кўра чиройли рад қилиш гўзалроқдир.
«Унваанул байан» китобидан.



2341. Абдурроҳман ибн Абу Лайлар айтдилар:

Каъб ибн Ужра мени кўриб қолиб, «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганимни сенга ҳадя қиласми?» деди. «Ҳа, ҳадя қилинг», дедим. У шундай деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ сизга қандай салом айтишини бизга ўргатди. Аммо сизга ва аҳли байтингизга қандай салавот айтайлик?» дедик. У зот шундай дедилар: «**Аллоҳумма, солли ъалаа Мұхаммадин ва ъалаа аали Мұхаммад, камаа соллайта ъалаа Иброҳийма ва ъалаа аали Иброҳийм, иннака ҳамийдум мажийд. Аллоҳумма, баарик ъалаа Мұхаммадин ва ъалаа аали Мұхаммад, камаа баарокта ъалаа Иброҳийма ва**

ъалаа аали Иброҳим, иннака ҳамийдум мажийд», деб айтинглар» (Аллоҳим, Иброҳим алаиҳиссаломни ва у зотнинг оиласарини ёрлақаганинг каби, Муҳаммад алаиҳиссаломни ва у зотнинг оиласарини ҳам ёрлақагин. Албатта, Сен мақтовли, улуғ Зотсан. Аллоҳим, Иброҳим алаиҳиссаломни ва у зотнинг оиласарини баракотли қилганингдек, Муҳаммад алаиҳиссаломни ва у зотнинг оиласарини ҳам баракотли қилгин. Албатта, Сен мақтовли, улуғ Зотсан).


Имом Бухорий ривояти.



2342. Ҳаёт дарсларидан ҳали кўп ибратли ўгитлар ўрганасан. Кўрган бўлсанг, ўт ўчирувчилар хеч қачон оловни олов билан ўчиришмайди.



2343. Ҳасан Басрий ҳамсұхбатларидан бирини дағн қилиб бўлгач, қабрнинг бир четида турдилар-да, ёнларида турган бир кишига ўгирилиб: «Айтгин-чи, агар мана шу одам дунёга қайтадан келса, нима қилган бўлар эди?», дедилар. У: «Истиғфор айтиб, намоз ўқиб, яхшиликларни кўпайтирар эди», деди. Шунда Ҳасан Басрий: «У фурсатни бой берибди, энди сен бой бериб кўймагин-а?» дедилар.



2344. Шарқ мамлакатларида икки тоифадан бирига дуч келасан.

Бири диний илмлар билан кифояланиб, дунёвий илмни рад қиласди.

Иккинчиси эса моддий илм ва моддий воситалар билан кифояланиб, динни инкор қиласди.

Бу икки тоифа минтақадаги цивилизация учун фалокатдир. Улар ҳақиқий дин ва ҳақиқий илмнинг маъносини англамаганлардир.

Мустафо Маҳмуд.



2345. Пок аёлларни сўкишдан сакланинглар, шунда оналарингиз саломат бўлади.

«Унваанул байан» китобидан.



2346. Ибн Аббос розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам маҳзунликда шундай дер әдилар: «Лаа илааҳа иллаллоҳул ъазиймул ҳалийм, лаа илааҳа иллаллоҳу Роббул ъаршил ъазийм, лаа илааҳа иллаллоҳу Роббус-самавати ва Роббул арди, Роббул ъаршил қарийм» (*Ҳалим ва улуг Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Улуг арининг Робби бўлган Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Мукаррам арининг ва еру осмонларнинг Робби бўлган Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ*).

Ином Бухорий ва Муслим ривояти.



2347. Гоҳида ёрдам сўраш жуда қийин бўлади, лекин ундан бошқа чора бўлмайди.



2348. Сен севишганлар (Валентин) кунини нишонлайсанми?

Барча муҳаббатлар устидан ғолиб келувчи Аллоҳ мұхаббати олий мұхаббатдир!

Аллоҳ мұхаббати қалбингдаги барча мұхаббатлар устидан ҳукмрон әмасми?

Агар «ҳа» деб жавоб берсанг, унда нима учун шариатга хилоф бўлган ғойримуслим ва фосиқлар байрамини нишонлаяпсан?




2349. Бирор муаммо юз берса, инсон унга бардош бериб, тоқат қилиши учун Аллоҳ қувват бериб қўяди.

«Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмас» ояти хусусида чукур мушоҳада.

* Бақара сураси, 286-оят



2350. Кимки биродарларига рағбат күрсатмаса, зиёнга йўлиқади.
«Унваанул байан» китобидан.



2351. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Бирор иш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга мاشаққат ёки маҳзунлик келтирса, у зот: «**Йаа ҳаййу, йа қоййуму, бироҳматика астағийс**» (Эй ҳайй ва қаййум сифатли Зот, Сенинг раҳматинг ила ёрдам сўрайман) дер эдилар.

Имом Термизий ривояти.



2352. Камбағаллар баҳт-саодатни ўша мол-мулкда деб ўйлашади. Бой-бадавлат кишилар эса баҳт-саодат қидириб, мол-мулк сарфлашяпти.



د أحمد عيسى المعسراوى

اللهم ارزقنا أدب القرآن وحب القرآن
وفضل القرآن وتلور القرآن وسكينة القرآن
ودواء القرآن وشفاء القرآن وعلم القرآن
وفهم القرآن ونجاة القرآن

2353. Аллоҳим, бизларни Қуръон одоби, Қуръон мұхаббати, Қуръон фазилати, Қуръон нури, Қуръон

сакинати, Куръон давоси, Куръон шифоси, Куръон илми, Куръон тушунчаси ва Куръон нажотидан баҳраманд қил!



2354. Ҳақиқат икки кишига – уни гапирадиган ва уни тушунадиган кишига мухтождир.



2355. Ким сахий бўлса, ҳукмрон ва улуғ бўлади. Ким баҳил бўлса, разил ва хор бўлади.



2356. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бирор иш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хафалик олиб келса, у зот бошларини осмонга күтариб, «Субҳааналлоҳил ъазийм», дер эдилар, дуо қилмоқчи бўлсалар, «Йаа ҳай, йаа қоййум» дер эдилар».

Имом Термизий ривояти.



2357. Яхши одамлар бир нарсадан озор чекиб, ранжишса, индамасдан сукут қиладилар.



2358. Агар қалбингда бағритошлиқ, баданингда мадорсизлик, ризқингда тангликни ҳис қилсанг, билгики, тилинг бефойда гапларга кўп шўнғибди.



2359. Ютуқка әришганлар билан қолганларнинг орасидаги фарқ кучнинг камлигига ёки илм-маърифатнинг озлигига эмас, балки ироданинг ноқислигидадир.



2360. Ҳар бир фазилатга, ҳар бир қонунга восита одобдир.

«Унваанул байан» китобидан.



2361. Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
 «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор
 қийинчилик ёки хафачилик етса, қуйидаги калималарни
 айтишимни буюрганлар: «Лаа илааха إِلَّا اللَّهُ الْكَرِيمُ الْعَظِيمُ، سُبْحَانَهُ تَبَارَكَ اللَّهُ رَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ، الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ» (Улуғ ва карим сифатли Аллоҳдан бошқа
 илоҳ үйқ. Улуғ аршининг Робби Аллоҳ баракотли ва
 покдир. Оламларнинг Робби Аллоҳга ҳамд бўлсин)
Насаий ва Ибн Сунний ривояти.




2362. Ёмонликнинг асли учтадир: кибр; очкўзлик; ҳасад.

- кибр туфайли Иблис Одамга сажда қилишдан бош тортди.
- очкўзлик туфайли Одам жаннатдан чиқарилди.
- ҳасад туфайли Одам фарзанди ўз инисини ўлдиришга журъат қилди.



2363. Ёмон гумон шундай касалликки, барча гўзал нарсани барбод қиласди.



2364. Кўп одамларга ҳайрон қоласан...

Ўзининг гуноҳига тааллуқли иш бўлса, «Аллоҳ гуноҳларни кечирувчи раҳмли Зот» дея бонг уришади. Бошқаларнинг гуноҳига тааллуқли бўлса, «Аллоҳ азоби қаттиқ Зот» дея асослаб берадилар.

Илтимос, инсоният устидан шахсий нуқтаи назарингиз билан ҳукм чиқарманг!



2365. Ҳикоя қилинишича, бир киши халифа Маъмун ҳузурида бўлиб, унга чиройли гаплар гапирибди. Шунда Маъмун ундан: «Кимнинг ўғлисан?» деб сўрабди. «Одабнинг ўғлиман, эй мўминларнинг амири!» дебди у. «Насабинг жуда олий экан», дебди экан Маъмун.

«Унваанул байан» китобидан.



2366. Абу Бакра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қийинчилик пайларидаги «Аллоҳумма, роҳматака аржу, фа лаа такилний илаа нафсий торфата ъайнин ва аслих лий ша`ний куллаҳу, лаа илааҳа иллаа анта» (Аллоҳим, раҳматингдан умидворман. Кўз очиб юмгунча ҳам мени ўз ҳолимга топшириб қўйма, барча ишларимни ислоҳ қил. Ўзингдан бошқа илоҳ йўқ) дер эдилар.

Абу Довуд ривояти.



2367. Яхё ибн Муоз айтдилар:
 «Сенда мўминнинг уч насибаси бўлсин:
 Фойда бермадингми, зарар ҳам берма.
 Хурсанд қилмадингми, ғамга ҳам ботирма.
 Мақтамадингми, ёмонламагин ҳам».
 «Илм ва ҳикматлар мајсмуаси» номли китобдан.



2368. Бало-офат сени поклик томон етакляптими?
Демак, у неъматдир.

Неъмат сени түғён ва саркашлик томон
етакляптими? Демак, у ғазабдир».

Мустафо Маҳмуд.



2369. Бахт-саодатнинг сири орзу қилган нарсамизда
эмас, боримизга қаноат қилишдадир, чунки инсонда
орзунинг ниҳояси йўқ!



2370. Иқтидори ва фазилатлари билан қувонган одам мусибатлар билан безовта бўлади.
«Унваанул байан» китобидан.



2371. Асмо бинти Умайс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга шундай дедилар: «Қийинчилик пайтларида айтиладиган калималарни сенга ўргатайми? «Аллоҳ, Аллоҳу Роббий, лаа ушрику биҳи шай`а», дегин» (Аллоҳдир, Роббим Аллоҳдир, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайман).

Абу Довуд, Ибн Можса ривояти.



2372. Аллоҳнинг зикридан холи ҳаёт маъносиз ҳаёт демакдир.



2373. Уйқунинг кўплиги қалбни ўлдиради, бадани оғирлаштиради, вақтни зое қиласиди, ғафлат ва дангасаликни кўпайтиради. Луқмон ўғилларига:

«Ошқозон тўлса, фикр ухлайди, ҳикмат тилсиз қолади ва аъзолар ибодатдан узоклашади», дедилар.



2374. Филлар уришса, ўт-ўлан нобуд бўлади.



2375. Энг кучли қўрғон – дин, энг ёқимли неъмат – омонлиkdir.



2376. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Мен бир калимани биламан, уни маҳзунликка тушиб қолган киши айтса, нажот топади. У калима – биродарим Юнус алайхиссаломнинг (балиқнинг қорнига тушиб қолганида) зулматларда туриб, «Лаа илааха иллаа анта, субҳаанака, инний кунту миназ-золимиин» (Ўзингдан бошқа илоҳ йўқ, мен ўзимга) зулм қилувчилардан бўлиб қолдим) деб қилган дуосидир» (Анбиё сураси, 87-оят).

Иbn Сунний ривояти.

Саъднинг ривоятида шундай дейилган: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бирор

мусулмон Юнус алайхиссаломнинг балиқ қорнида Роббига қилган дуосини – «Лаа илааха иллаа анта, субҳаанака, инний кунту миназ-золимийн»ни айтиб, дуо қилса, дуоси ижобат бўлади», дедилар.


Термизий ривояти.



2377. Солиха аёлнинг беш хусусияти бор:

1. Дин ва гўзал хулқ соҳиби.
2. Эрига итоатли.
3. Эрининг мол-мулкини сақловчи.
4. Яхшилилк йўлида эрига кўмаклашувчи.

5. Фарзандларини ахлоқли қилиб тарбия қилувчи.



2378. Камбағаллар қаерда.....?
Нима учун уларни кўрмаяпман?



2379. «Биз қалбини Ўз зикримиздан ғофил қилиб қўйганларга итоат қилма» (*Каҳф сураси, 28-оят*).

Оятда «тилинни» эмас, «қалбини» дейиляпти, чунки ғафлатнинг ўрни қалбидир. Қанчадан қанча тилида зикр, аммо қалби беэътибор кимсалар бор!

Аллоҳдан хушуъли қалб ва зикрли тил сўраймиз!



2380. Илм – күтарилиш қийин бўлган тоғдир, бироқ у қулаш осон бўлган қиялик.

«Унваанул байан» китобидан.



2381. Савбон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни бирор
нарса чўчитса, «Хуваллоҳ, Аллоҳу Роббий, лаа
шарийка лаҳ» (*У Аллоҳдир. Роббим Аллоҳдир, Унинг
шериги йўқдир*) дер эдилар.

Ибн Сунний ривояти.



2382. Аллохга яқинлашганингда баҳт-саодатни қидирмай қўяқол, чунки у пайтда баҳт-саодатнинг ўзи сени қидириб юрган бўлади!



2383. Қалблар бир-бирига ўхшайди, лекин улар орасидаги фарқ ҳар доим покизалик бўлиб қолаверади.



2384. Одамларни ҳурмат қилишим уларга муҳтож эканимни англатмайди. Ҳурмат қилишим – менга диним ўргатган, тарбиям берган асоснинг маҳсулидир.



2385. Шундай ҳазиллар борки, охирида жиддий бўлиб қайтади.



2386. Амр ибн Шуайб отасидан, отаси бобосидан ривоят қиласи:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор нарсадан қўрққан кишиларга: «Аъузу бикалимаатиллаҳит-тааммаҳ мин ғозобиҳи ва шарри ъибаадиҳи ва мин ҳамазатишиш-шайатиини ва ан йаҳзуруни» (Аллоҳнинг мукаммал қалималари билан Унинг газабидан, бандаларининг ёмонлигидан ва шайтон васваса қилиб, менинг ёнимда ҳозир бўлишидан паноҳ тилайман) дейишни ўргатар эдилар.

Абу Довуд ва Термизий ривояти.



2387. Уйнинг чинакам пойдевори цемент ёки тош эмас, балки солиҳа аёлдир.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم

حوراء



نَمَتْ فِرَأَيْتِنِي فِي الْجَنَّةِ، فَسَمِعْتُ صَوْتَ قَارِئٍ
يَقْرَا، فَقَلَتْ مِنْ هَذَا؟ قَالُوا : هَذَا حَارِثَةُ بْنِ
الْنَّعْمَانَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ : كَذَالِكَ الْبَرُّ،
كَذَالِكَ الْبَرُّ، وَكَانَ أَبْرَ النَّاسِ بِأَمْهِ .


اسناده صحيح.

بلغوا_عنى_ولو_آية

2388. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Тушимда жаннатни кўрибман. Бир қорининг тиловатини эшитиб, «Бу ким?» десам, «Хориса ибн Нўймон», дейишди». Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Яхшилик мана шундайдир, яхшилик мана шундайдир, Хориса одамлар орасида онасига энг кўп яхшилик қилувчилардан эди», дедилар.

И мом Насайй ва Аҳмад ривояти.



كان مالك بن دينار يقول :

يَا أَهْلَ الْقُرْآنِ

مَاذَا زَرَعَ الْقُرْآنَ فِي قُلُوبِكُمْ؟



2389. Молик ибн Динор:

«Эй аҳли Қуръонлар! Қуръон қалбларингизга нима экди?» дер эдилар.



2390. Ахнаф ибн Қайс айтди:

«Одобнинг аввали тилдир. Амалсиз сўзда, саховатсиз бойликда, вафосиз ростликда, таквосиз фиқҳда, ниятсиз садақада хайр (яхшилик) йўқ».

«Унваанул байан» китобидан.



2391. Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимга ғам-ташвиш етса, ушбу калималар билан дуо қилсин», дедилар. Бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули! Мана шу калималардан бебахра қолган киши хасоратда бўладими?» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа», дедилар. Сўнгра «Бу калималарни ўзинглар ҳам айтинглар, бошқаларга ҳам ўргатинглар. Ким бирор нарса талабида шу калималарни айтса, Аллоҳ унинг хафалигини кетказиб, хурсандчилигини зиёда қиласди» деб, сўнг

ўша калималарни айтдилар: «**Ана ъабдука, ибну ъабдиқа, ибну амаатика фи қобзотик, насийатий бийадик, мазин фийиа хукмук, ъадлун фийиа қозоук, ас`алука бикулли исмин ҳува лака саммайта биҳи нафсака ав анзалтаху фи китаабика ав ъалламтаху аҳадан мин холқика ав иста`сарта биҳи фий ъилмил ғойби ъиндака ан тажъалал Қуръана нуро содрий ва робийъа қолбий ва жилаа ҳузний ва заҳаба ҳаммий» (*Мен Сенинг қулингман, қулингнинг ўғлиман, чўрингнинг зурриётиман. Кокилим Сенинг қўлингда. Ҳукминг менинг устимда жорийдир. Сенинг ҳукминг одилдир. Ўзингни номлаган ёки Китобингда нозил қилган ёки яратганларингдан бирортасига ўргатган ёки гайб илмингда сақлаб қўйган исмларинг ила сўрайманки, Қуръонни дилимнинг нури, қалбимнинг баҳори, маҳзунлигимни аритувчи ва ғамимни кеткизувчи қил*).**

Ибн Сунний ривояти.

لا تلتفت خلفك لترى
 كثرة الأتباع، وإنما انظر
 أمامك لترى سلامة
 الطريق .

عبدالعزيز الطريفي

2392. Ортингдан эргашувчилар кўплигини кўриш учун ортингга қарама, балки йўлинг тўғрилигини кўриш учун олдингга қара!

سأله رجل أحد العلماء :

هل أنا من الصالحين ؟

فأجاب: إن كنت تدعوا **والديك** فأنت منهم

الحديث (**أو ولد صالح يدعوه له**) وإن كنت

تنسى **والديك** فلست منهم بقدر نسيانك لهم !!



2393. Бир киши бир олим зотдан: «Мен ҳам солиҳларданманми?» деб сўради. Олим: «Агар ота-онангнинг ҳаққига дуо қилаётган бўлсанг, демак, солиҳлардансан, чунки ҳадисда: «Ҳаққига дуо қиласидиган солиҳ фарзанд», дейилган. Аммо ота-онангнинг ҳаққига дуо қилишни унутсанг, уларни қанчалик унутган бўлсанг, шунчалик солиҳ эмассан», деб жавоб берди.



2394. Ҳақиқий фақих – дунёда зоҳид, охиратга ошиқ, дини хусусида кўзини катта очган, Роббининг ибодатида бардавом, ўзидан юқоридагиларни ифво қилмайдиган, ўзидан пастдагиларни масхараламайдиган ва Аллоҳ ўргатган илм учун ҳақ талаб этмайдиган кишиидир.



2395. Мазах қилишни ташланг, чунки бундан фақатгина гинаю адоватлар қолади.

«Унваанул байан».



2396. Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
 «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга:
 «Эй Али, қийин аҳволга тушиб қолганда
 айтиладиган калималарни ўргатайми?» дедилар.
 «Аллоҳ мени сизга фидо қилсин, ўргатинг», дедим.
 Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:
 «Қийин аҳволга тушиб қолсанг, «Бисмиллахир
 роҳманир роҳийм. Ва лаа ҳавла ва лаа қуввата
 иллаа биллааҳил ъалиййил ъазийм», деб айт. Чунки
 мана шу дуо билан Аллоҳ хоҳлаганича ҳар турли
 балолардан халос қиласи», дедилар».

Ибн Сунний ривояти.



2397. Фитна замонида сени событ, барқарор қилувчи тўрт тамойил бор:

1. Куръони каримни тадаббур билан ва амал қилган ҳолда тиловат қилиш:

«Сенинг қалбингни у билан событ қилиш учун шундай қилдик» (Фурқон сураси, 32 оят)

(Эй Муҳаммад, Биз сенинг қалбингни Куръон билан событ қилиш, қувватлаш учун уни бўлак-бўлак ҳолда нозил этдик ва гўзал равишда дона-дона қилиб ўқиб бердик. Куръон бирданига тушмасдан, бўлак-бўлак бўлиб тушар, ҳар ваҳий келганида Пайғамбаримизнинг қалблари қувватланар, кучларига куч, ғайратларига ғайрат қўшилар эди).

2. Сийрат китоблари ва пайғамбарларнинг қиссаларини мутолаа қилиш:

«Биз қалбингни саботли қилиш учун сенга пайғамбарларнинг барча хабарларини қисса қилиб айтмоқдамиз» (*Худ сураси, 120-оят*).

3. Олган илмига амал қилиш:

«Улар ўзларига ваъз қилинган нарсаларни қилгандаридан эди, бу ўзлари учун яхшилик ва саботларини мустаҳкамлаш бўлар эди» (*Нисо сураси, 66-оят*).

4. Қуйидаги дуони айтиб юриш;

«Бизни тўғри йўлга бошлагин» (*Фотиха сураси, 6 оят*).

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам (нафл намозда) саждада: **«Йаа муқоллибал қулууб, саббит қолбий ва басорий ъалаа тоъатика»** (Эй қалбларни ўзгартирувчи Зот, қалбимни ва қалб кўзимни тоатингда мустаҳкам қилгин) дер эдилар.

الآفة الاولى:

- إذا ابْشَلْت بِحُبِ الشَّهْوَاتِ .
- الْحَلُّ : راجع حساباتك مع الصلوات .
- الدليل : قال تعالى (فَخَلَفَ مَنْ بَعْدَهُمْ خَلْفَ أَضَاعُوا الصَّلَاةَ وَاتَّبَعُوا الشَّهْوَاتِ) .

الآفة الثانية:

- إذا أَحْسَستَ بِالشَّقَاءِ وَعَدَمِ التَّوْفِيقِ .
- الْحَلُّ : راجع حساباتك مع أمك .
- الدليل : قال تعالى (وَبِرَا بِوَالدَّى وَلَمْ يَجْعَلْنِي جَبَارًا شَقِيًّا) .

الآفة الثالثة:

- إذا شعرت بالاكتئاب والضنك
 - الْحَلُّ : راجع حساباتك مع القرآن
 - الدليل : قال تعالى (وَمَنْ أَعْرَضَ عَن ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً ضَنْكًا)
- أحببتها فوبدت أن أشاركها معكم

2398. Биринчи офат:

Шаҳват балосига гирифтор бўлиб қолсанг, намозларингни бир ҳисоб-китоб қилиб кўр. Чунки оятда шундай дейилган:

«Уларнинг ортидан бир ўринбосарлар қолдики, улар намозни зое қилиб, шаҳватларга эргашдилар» (*Марям сураси, 59-оят*).

Иккинчи офат:

Бахтсиз, омадсиз бўлиб қолган бўлсанг, онангга қилаётган муомалангни бир сарҳисоб қилиб кўр. Чунки оятда шундай дейилган:

«Шунингдек, (Аллоҳ) мени онамга итоатли, меҳрибон қилди ва мени ситамкор бадбаҳт қилиб қўймади» (*Марям сураси, 32-оят*).

Учинчи офат:

Тушкунликка тушиб, аҳволинг танг қолган бўлса, Куръонга қилаётган муомалангни бир сарҳисоб қилиб кўр. Чунки оятда шундай дейилган:

«Ким Менинг зикримдан юз ўгирса, унинг ҳаёти албатта тангликда бўлур» (*Toxa surasi, 124-оят*).



2399. Ғазаб пайтида сўзлашдан тўхта!
 Хавф пайтида сусткашлиқдан тўхта!
 Махзунликда қарор қабул қилишдан тўхта!
 Хиёнат пайтида кўр-кўронада ишонишдан тўхта!



2400. Сени инсофга чақирмасларидан аввал ўзингни инсофга чақир.

«Унваанул байан» китобидан.



2401. Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам бирор қавмдан хавфисрасалар, «Аллоҳумма, иннаа нажъалука фий нухууриҳим ва наъуузу бика мин шурууриҳим» (Аллоҳим, биз Сени уларга рӯпара қўямиз ва Сендан уларнинг ёмонлигидан паноҳ тилаймиз) дер эдилар.

Абу Довуд ва Насаий ривояти.



2402. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Аллоҳ бир бандани яхши кўрса, Жаброилга: «Аллоҳ фалончини яхши кўради, сен ҳам уни яхши кўргин!» деб нидо қиласди. Шунда Жаброил уни яхши кўради. Кейин Жаброил осмон аҳли ичида: «Аллоҳ фалончини яхши кўради, сиз ҳам уни яхши кўринг!» деб нидо қиласди. Шунда осмон аҳли ҳам уни яхши кўрадилар. Сўнгра унинг мақбуллиги ерга индирилади».

И мом Бухорий ривояти.



2403. Пурмаъно сўзлар:

Мени билмаган ҳолда гапириб, менга зулм қилишди... Аллоҳ менинг гуноҳларим ўчирилишини хоҳлади. Уларга раҳмат!



2404. Гуноҳлар кўпайгач, қалблар қотади. Қалблар қотгач, кўз ёши қурийди.



2405. Мусибат пайтида сабр қилиш неъматларнинг энг улуғидир.

«Унваанул байан» китобидан.



2406. Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам менга шундай дедилар: «Агар султондан ёки бошқа бирор кишидан қўрқсанг, «Лаа илааха иллаллоҳул ҳалиймул ҳакийм. Субҳааналлоҳи Роббис-самааваатис-сабъи ва Роббил ъаршил ъазийм, лаа илааха иллаа анта ъазза жаарука ва жалла санааук» (Ҳаким ва ҳалим сифатли Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Етти осмон ва улуг арининг Робби Аллоҳ покдир. Ўзингдан бошқа илоҳ йўқ, Сенинг ҳимоянг азиз, саноинг улугдир) деб айт».

Ибн Сунний ривояти.



2407. Нима учун майит дунёга қайтса, айнан садақани танлайди?

Чунки Аллоҳ таоло шундай деган: «**Ва бирингизга ўлим келиб, «Роббим, қанийди менинг ўлимимни яқин муддатга ортга сурсанг, садақа қилиб солиҳлардан бўлсам», демасдан аввал Биз сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан нафақа қилинг»** (*Мунофиқун сураси, 10 оят*).

Нима учун майит «Агар дунёга қайтсан, умра қиласман», «Намоз ўқийман» ёки «Рўза тутаман», демайди?

Чунки аҳли илмларнинг айтишича, инсон вафот этгач, айнан садақанинг асари қолганини кўради. Шунинг учун садақани кўпайтиргилар, чунки мўмин одам Қиёмат куни садақасининг сояси остида бўлади. Марҳумларнинг номидан ҳам садақа қилаверинглар, чунки улар дунёга кайтиб, садақа қилиш ва солих

амалларни бажаришни орзу қилишяпти. Уларнинг орзуларини амалга оширинглар, фарзандларингизни ҳам шу нарсага одатлантиринглар, садақа улашинглар!



2408. Пурмаъно сўзлар:

Гоҳида кимларгадир орқангни ўгириб оласан. Тўғри, сен буни мағрурлик, такаббурлик ёки заифлик сабабли қилмайсан. Балки, қадимгилар айтганидек, «Жоҳилнинг муолажаси ўзини жоҳилликка солишидир», деган гапга амал қиласан.



2409. Ўз жонига зулм қилғанлар:

Сени йироқлатган кишига ҳам яқинлашаверишинг яъни, суймаганга ҳам суйкалаверишинг.

Сени хурмат қилмайдиган кишига ҳам тавозеъ қилаверишинг;

Танимаган одамингнинг мақтовини ҳам қабул қилаверишинг.



2410. Ҳақиқий оқил – замон ғафлатини ғанимат билган, имкон фурсатини ушлаган кишидир.
 «Унваанул байан» китобидан.




2411. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
 «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам душманга йўлиққанларида «Йаа мавлика йавмиддин! Ийяака аъбду ва ийяака астъийн» (Эй қиёмат кунининг Подшоҳи, Сенгагина ибодат қиласман, Сендангина ёрдам сўрайман) дедилар. Шунда фаришталарнинг одамларни ерга ётқизиб, олдидан ва орқасидан ураётганини кўрдим».

Ибн Сунний ривояти.




2412. Керак бўлиб қолсанг, қаердалигингни дарҳол топиб олишади!



2413. Киши ўзидан нафрат қила бошлагандагина бошқаларга ҳам нафрат ва ёмон кўриш пайдо бўлади.

Мустафо Махмуд.



2414. Салаф солиҳлар айтади:
 «Ким кўзини (номахрамларга қарашдан) тийса,
 Аллоҳ унинг қалб кўзига нур ато қилади».
Ибн Касир тафсири, 3 жуз, 283 сахифа.



2415. Ақл, одоб, тафаккур, тажриба ва насаб эгалари билан ҳамсухбат бўл.

«Унваанул байан» китобидан.



2416. Шайтонга йўлиққанда ёки шайтондан қўрққанда айтиладиган зикрлар:

Аллоҳ таоло Аъроф сурасининг 200-оятида шундай деган:

«Сизларни шайтоннинг васвасаси йўлдан урмоқчи бўлса, Аллоҳдан паноҳ сўранг. Албатта, У эшичуви, билувчи Зотдир».

Исро сурасининг 45-оятида шундай деган:

«Қуръон қироат қилганингизда сизлар билан охиратга иймон келтирмайдиган кимсалар ўртасида

кўринмас парда қилиб қўямиз (ва улар Куръонни англай олмаслар)».

Суҳайл ибн Абу Солих розияллоҳу анҳу айтади: «Отам мени Бану Ҳорисага юбордилар. Ёнимда бир дўстим ҳам бор эди. Бир пайт девор ортидан бир киши дўстимни чақирди. Дўстим деворнинг ёнига борди, лекин ҳеч кимни тополмади. Буни отамга айтиб берган эдим, отам: «Шундай бўлишини билганимда сени юбормас эдим. Лекин бундан кейин шунга ўхшаш бирор овоз эшитсанг, намозга аzon айт, чунки Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу шундай деган: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам **«Намозга аzon айтилса, шайтон орқасига қараб қочади»**, деганлар».

Имом Муслим ривояти.



2417. Кечани (беҳуда нарсалар билан) бедор ўтказиш жиноят бўлиб, бунинг учун эрталаб уйғонганингда товон тўлайсан.



2418. Яхшиликнинг афзали учтадир:

Ғазаб пайтида ҳам ростгўй бўлиш, қийинчилик пайтида ҳам сахий бўлиш, азоблашга қурби етса ҳам кечириб юбориш.



2419. (Эй Мұхаммад алайхиссалом!)

Парвардигорингиз асалариiga вахий қилди (буорди): «Тоғларга, дарахтларга ва улар (одамлар) қурадиган уйларга ин солгин. Сўнгра турли мевалардан еб,

Парвардигоринг (сен учун) осон, қулай қилиб қўйган йўллардан юргин!» Унинг қорнидан алвон рангли ичимлик – асал чиқур. Унда одамлар учун шифо бордир. Албатта, бу ишда (яъни шу митти жониворнинг ҳам одамлар учун хизматкор қилиб қўйилишида) тафаккур қилувчи қавмлар учун оят-ибрат бордир (*Наҳл сураси, 68-69-оятлар*).

(Аллоҳ таолонинг ҳайвонларга, жумладан, асаларига ваҳий қилиши унга илҳом бериш ҳисобланади. Аллоҳ таоло асаларини яратганда унга ҳис-туйғу ва илҳомни қўшиб яратгани учун у ўзига топширилган ишни кўпгина ақлли инсонлар ҳам қила олмайдиган аниқлик билан бажаради)



2420. Кимки орзусига етиш йўлида сабр этса, эришади. Кимки орзуимга етдим деб, лоқайдлик қилса, эришганини йўққа чиқаради.

«Унваанул байан» китобидан.



2421. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Авф ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икки киши ўртасида ҳукм қилдилар. Заарига ҳукм қилинган киши: «Ҳасбийаллоҳу ва ниъмал вакийл», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таоло ожизни маломат қиласи. Сен эса кучли бўл. Агар сен ёқтирамайдиган бирор иш содир бўлса, «Ҳасбийаллоҳу ва ниъмал вакийл» (Аллоҳнинг йўзи менга кифоядир, У Зот қандай яхии вакил!) дегин», дедилар».

Абу Довуд ривояти.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Аллоҳ таоло учун кучли мўмин кучсиз

мўминдан яхшироқ ва маҳбуброқдир, аммо иккаласида ҳам яхшилик бор. Сенга фойда берадиган нарсага ҳарис бўл. Аллоҳдан ёрдам сўра. Ожизлик қилма. Сенга бирор мусибат етса, «Агар ундаи қилганимда бундай бўларди», демагин, балки «Аллоҳнинг тақдири, У хоҳлаган нарса бўлади», дегин, чунки «агар» калимаси шайтоннинг амалини очади».

Имом Муслим ривояти.



2422. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Иблис тахтини сув устига қўяди, сўнgra аскарларини жўнатади. Уларнинг энг баланд мавқеълиси – фитнаси каттароғидир. Улардан бири Иблиснинг олдига келиб, «Мен бир кишини хотинидан ажратмагунимча уларнинг олдидан кетмадим» деса, Иблис ўша фитначини ўзига**

**яқинлаштиради ва: «Ҳа, сен (хослардансан)» деб, уни
ўзининг жамоасига қўшади».**

И мом Муслим ривояти.



2423. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу айтадилар: «Биродарингизга айтилган «Жазаакаллоҳу хойрон» (Аллоҳ сени яхшилиқ билан мукофотласин) деган сўзнинг қадрини билгангиз эди, бир-бирингизга уни кўпроқ айтган бўлар эдингиз».



2424. Ҳаёtingда дўстларингнинг хатоларини ташлаб юбориш учун кичик бир чуқур қазиб қўй! Аммо улардан аразлаб қолганингда бу чуқурга қайтиб қолмаслик учун унинг қаердалигини унутишинг керак.



2425. Тошлок ерда экин кўкармаганидек, қаттиқ қалбларга ҳикмат таъсир қилмайди.
 «Унваанул байан» китобидан.



2426. Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:
 Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Аллоҳумма, лаа сахла иллаа маа жаъалтаху сахлан, ва анта тажъалул ҳазна иза ши’та сахла» (Аллоҳим, Сен енгил қилган нарсагина енгилдир. Сен хоҳласанг, оғирни ҳам енгил қила оласан) дер эдилар.
Ибн Сунний ривояти.



2427. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Ким (намозда) сафнинг очилиб қолган ерини беркитса, Аллоҳ унинг даражасини кўтариб, унинг учун жаннатда бир уй қуради», дедилар.

Ибн Можса ривояти.



2428. Имомлардан бирига: «Дарёда чўмилишни хохласам, юзимни қиблага қаратайми ёки аксинчами?»

деб савол беришди. У зот: «Кийимларинг томонга қарат, ўғирлаб кетишимасин», дедилар.



2429. Бахт-саодатнинг қоидалари:
Аллоҳ билан бирга бўл!
Ҳеч кимга ҳасад ва адоват қилма!
Ҳар қанча юқорилаб кетсанг ҳам, содда ва оддий
ҳаёт кечир!
Балолар қанчалик кўпаймасин, яхшиликка йўйгин!
Миннатсиз, бирор эвазга умид қилмай ҳадя
беришни ўрган!



2430. Тириклигига сенга яхшилиги кишининг ўлимида кўзларинг ёш тўкмайди.
«Унваанул байан» китобидан.



2431. Ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам шундай дедилар: «Бирортангизнинг тирикчилиги қийинлашиб қолса, нима учун уйидан кўчага чиқаётиб, қуйидаги дуоларни айтмайди: «Бисмиллахи ъалаа нафсий ва маалий ва дийний. Аллоҳумма, роддиний бикозоика ва баарик лий фиймаа қуддиро лий ҳатта лаа уҳибба таъжийла мaa аҳхорта ва лаа та’хийро мaa ъажжалта» (Жоним, молим ва диним Аллоҳнинг исми ила. Аллоҳум, мени қазои қадарингга рози қилгин, менга тақдир қилган нарсангга баракот бергин, токи Сен кечиктирган нарсанинг тезроқ бўлишини, Сен тезлаштирган нарсанинг кечикишини истамайин).

Ибн Сунний ривояти.



2432. Бир киши дўстига: «Фалон киши сабабли қалбим шод бўлмаяпти!» деди. Шериги шундай деди:

«Менинг ҳам қалбим шод бўлмаяпти! Лекин қаердан биласан, эҳтимол, Аллоҳ қалбларимизни тўсиб кўйгандир, шунинг учун солиҳларни яхши кўрмайдиган бўлиб қолгандирмиз?»



2433. Ҳақиқий маҳрумлик – туни билан ҳали WhatsAppга, ҳали Facebookга муккасидан кетиб, кейин бир ракъат намоз билан бўлса ҳам Робби билан холи қолмаслиkdir.

Ахир туннинг чирои намоз, сажда ва дуода эмасми? Ахир Роббимиз туннинг охирги учдан бири қолганида (ер осмонига) тушиб, сукунатга барҳам бериб, «Сўровчи борми, ато қиласман!» деб нидо қиласди-ку!



2434. Одамларнинг қилган ишини кузатишади.
Одамларнинг ахлоқини танқид қилишади.
Одамларнинг ишларини обдон мухокама қилишади.
Одамларнинг ниятларини ҳам таҳлил қилишади.
Мана шу каби нарсалар билан умрлари нихоясига етади. Уларнинг бирортаси ўзининг ҳаётини эмас, бирорларнинг ҳаётини «яшаб» ўтишади.



2435. Бир донишманд шундай деди: «Кўпгина неъматлар борки, шериги бўлсагина яроқли бўлади: илм тақвосиз, ёдлаш фаҳмсиз, чирой ҳаловатсиз, насаб одобсиз, шодлик тинчликсиз, бойлик қаноатсиз, ижтиход тавфиксиз яроқли бўлмайди».

«Унваанул байан» китобидан.



2436. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Аллоҳ таоло бир бандага аҳли аёл, молдунё ва фарзанд неъматини ато этганда ўша одам: «Маа шаа`аллоҳ!** Лаа қувват а иллаа биллаах» (Аллоҳнинг хоҳлагани бўлади. Куч-қувват фақат Аллоҳ биландир) деса, бу неъматларда ўлимдан бошқа оғат кўрмайди».

Ибн Сунний ривояти.

إذا صنعت لأحد
 معروفاً فلا تطلب منه
 الدعاء لك وإنما توجه الله
 متوصلاً بعملك: (فسقى لهما
 ثم تولى إلى الظل فقال رب
 إني لـما أنزلت إلى من خير
 فقير) عبدالعزيز الطريفي


2437. Бирога яхшилик қилсанг, ҳаққингга дуо қилишини талаб қилма, балки ўша амалингни васила қилиб, Аллоҳга юзлан!

«Шунда (Мусо) икковига суғориб берди. Сўнгра сояга қайтди ва шундай деди: «Роббим, (даргоҳингдан) мен учун нима яхшилик нозил қилсанг, мен ўшанга муҳтожман» (Қасос сураси, 24-оят)

(Мусо алайҳиссалом ийманиб, ўзларини оломондан четга тортиб турган икки қизнинг ҳайвонларини суғориб бердилар, буни ўзларининг йигитлик бурчи, деб билдилар. **«Сояга қайтди»**, демак, кун иссиқ экан, у зот бундан аввал ҳам сояда ўтирган эканлар. Лекин қийналаётган икки аёлни кўриб, ғоятда чарчаган, ҳориб-толган, очиқкан бўлсалар ҳам, туриб бориб, уларга ёрдам бердилар. Сўнг яна соядан жой олдилар. Ёлғиз қолгач, **«ёлғизнинг ёри худо»** деб, яна Роббул Оламийнга илтижо қилдилар)



2438. Баъзан хоҳлаган нарсангга эриша олмаганинг ўша хоҳлаган нарсангдан афзал бўлади.



2439. Имом Аҳмадроҳимаҳуллоҳ айтдилар:
«Аллоҳ сен яхши кўрган нарсани бардавом қилишини истасанг, Аллоҳ яхши кўрган нарсани қилишда бардавом бўл!»



2440. Шеър:

Қасам умринглаки, замон дилбанди,
Инсон эрур фақат ўз динин фарзанди.
Насабга суюнма, тақводан кечиб,
Шайтон қуйган ғурур шаробин ичиб:
Салмони Форсийни улуғлаб Ислом,
Ва Абу Лаҳабни хорлади куфрон.



2441. Аллоҳ таоло шундай дейди:

«Бирор мусибат етса, «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз У Зотга қайтгувчилармиз», дейдиган собирларга хушхабар беринг. Ана ўшаларга Робблари томонидан салавот (мағфират) ва раҳмат бордир. Ана ўшалар ҳақ йўлни топгувчилардир».

(Бақара сураси, 155-156-оятлар)

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Хар бир воқеа учун истиржоъ (яъни «Иннаа лиллаҳи әвәи илайҳи роҗиъун» деб) айтинглар, ҳатто пояфзалингизнинг ипи (узилгани) учун ҳам, чунки шу ҳам бир мусибатдир».

Ибн Сунний ривояти.



هناك طريقة حديثة جداً لعلاج الاكتئاب وهي العلاج بالنظر وتأمل ألوان الطبيعة الحضرة، وإن التأمل لساعة كل يوم في الشجر والورود وألوانها الزاهية هو طريقة فعالة لعلاج الاكتئاب والإحباط وكثير من الحالات النفسية المستعصية، وهذا ما نجده في قوله تعالى: **(وَأَنْزَلْنَا مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَبْرَأْنَا بِهِ حَدَائِقَ دَارَتْ بِهِ الْمُحْجَّةُ)** (العنكبوت، 60). تأملوا معـي هذا الربط الرائع بين كلمة **(حدائق)** وكلمة **(محاجة)** حيث يقول الباحثون إن النظر إلى الحدائق يثير البهجة في النفوس، ويعالج الإضطرابات النفسية .. فسبحان الله!

2442. Фам-ташвиш ва тушкунликнинг замонавий муолажаси:

Ҳар куни бирор соат дарахтларга, гулларга, уларнинг алвон рангларини томоша қилиш, табиат қўйидаги ям-яшил манзараларга назар солиш, тафаккур қилиш тушкунлик (депрессия) ва диққинафаслик (стресс) учун муолажадир. Биз буни Аллоҳнинг қуйидаги оядидан ўрганамиз:

«Ёки осмонлар ва ерни яратган ҳамда сизлар учун осмондан сув-ёмғир ёғдириб, унинг ёрдамида гўзал боғларни ўстирган Зотми?» (Намл сураси, 60 оят).

Оядаги «боғлар» сўзи билан «гўзал» сўзи орасидаги ажойиб боғлиқликни бир тафаккур қилиб кўринг.

Тадқиқотчиларнинг айтишича, боғларга назар солиш инсон руҳиятига гўзаллик ва қувонч бахш этиб, нафсдаги изтиробларни муолажа қиласа экан.

Субҳааналлоҳ!



2443. Ибн Умар розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам қазъдан қайтардилар. Мен Нофеъга: «Қазъ нима?» дедим. У: «Ёш бола бошининг (сочининг) бир қисмини олиб, бир қисмини қолдириш», деди.

Имом Муслим ривояти.



2444. Ҳадисларда «Аллоҳим! Мени мискинбечораларни яхши кўрадиган қилгин», деган дуо бор. Олимлардан бири ушбу дуони шарҳлаб, шундай деган экан: «Мискинларни яхши кўриш Аллоҳ йўлидаги муҳаббатнинг аслидир, чунки мискинларда мол-дунё сабабли муҳаббатни юзага келтирадиган маблағнинг ўзи йўқ».



2445. Билгилки, дунёдан кўлга киритган нарсанг охиратинг учун ҳозирлаб қўйган нарсангдир.

«Унваанул байан» китобидан.